## Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси олдидан

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси сенаторлар эътиборига иккита муҳим қонунни тақдим этишга ҳозирлик кўрмоқда. Жумладан, "Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шу кунларда қўмита тузган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Мухбиримиз ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб беришни сўраб Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВга мурожаат этди.***

# ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

— Трансмиллий жиноят бугун глобал миқёс касб этаётир, — деди сенатор. — Пировардида унга қарши курашиш учун халқаро ҳамжамиятнинг изчил ҳамкорлигида зарур чора-тадбирлар кўрилиши тақозо этилмоқда.

Юртбошимиз нуфузли халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб, ушбу долзарб муаммонинг олдини олишга йўналтирилган ташаббусларни мунтазам илгари суриб келаётгани эътирофга молик. Бу ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланаётир. Парламент юқори палатасининг ўн бешинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган қатор қонунлар ҳам бу борада юртимизда астойдил иш олиб борилаётганидан далолат беради.

"Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) 2002 йил 7 июнда имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш замирида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмасига доир Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомага қўшилиш мақсади мужассам. Баённома Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2007 йил 16 августда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида имзоланган.

**— Ушбу Баённома амалдаги Битимга қандай ўзгартишлар киритади?**

— У ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директорининг ўринбосарларини тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ваколатини мазкур ташкилот Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашига ўтказишни назарда тутади. Бу, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори ўринбосарларининг сони уч нафардан беш нафарга кўпайтирилиши ҳамда мазкур Ижроия қўмитасининг янги таркибий тузилиши ва штат жадвали қабул қилиниши билан боғлиқдир.

Баённомада, шунингдек, рус ва хитой тилларидан Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг расмий ҳамда иш тиллари сифатида фойдаланиш назарда тутилган. Ҳужжатнинг 2-моддасига мувофиқ, у имзоланган санадан вақтинчалик қўлланилади ва тўртинчи ратификация ёрлиғи депозитарийга сақлаш учун топширилган санадан эътиборан ўттизинчи куни кучга киради.

Иккита модда ва якунловчи қоидадан иборат Баённомага Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Ички ишлар, Молия, Адлия вазирликлари, шунингдек, Миллий хавфсизлик хизмати, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти экспертларидан иборат ишчи гуруҳ ижобий баҳо берди.

**— Қўмита ялпи мажлис муҳокамасига олиб кираётган "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонуннинг ўзига хосликлари нимада?**

— Қонун икки давлат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган Битимни ратификация қилишни назарда тутади.

У давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 17-18 март кунлари Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида имзоланган. Битимга биноан, Томонлар унинг қоидаларини амалга оширишда ўз миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ, ваколатли органлари орқали ўзаро ҳамкорлик қилади. Хусусан, бу ҳамкорлик Битимнинг 2-моддасига кўра, терроризм ва уни молиялаштириш, инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда муомалада бўлиши, ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, радиоактив ва ядровий материалларнинг ноқонуний муомалада бўлиши каби йўналишларда олиб борилади. Шунингдек, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, жумладан, жиноий йўл билан топилган пулларни қонунийлаштириш, пул, қимматли қоғозлар, тўлов воситалари ва расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш, одамларни, айниқса, аёллар ва болаларни ўғирлаш ҳамда уларнинг савдоси, ғайриқонуний иммиграция билан боғлиқ, экологик, маданий ва тарихий бойликларни ташиш, транспорт воситалари соҳасидаги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ҳамда кибер жиноятларга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Битимда, шунингдек, томонларнинг ҳамкорлик шакллари, ахборот алмашиш, сўровлар юбориш, уларни кўриб чиқиш, олинган ахборотдан фойдаланиш, ушбу Битимда назарда тутилган жиноятлар иштирокчиларини аниқлаш юзасидан предметлар, материаллар ва воситаларни назорат остида етказиб бериш, қўшма комиссиялар ҳамда экспертлардан иборат ишчи гуруҳлар тузиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш тартиблари белгиланган.

Битим ратификация ёрлиқлари алмашинилган санадан эътиборан ўттизинчи куни кучга киради. Унинг кучга кириши миллий қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этмайди ҳамда у халқаро нормаларга ва Ўзбекистон Республикасининг ички қонун ҳужжатларига зид эмас.

Мамлакатимиз Истиқлол йилларида ўзаро ҳамкорлик, минтақада хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш, турли давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ташқи сиёсат фаолиятини олиб бормоқда. Юқорида номлари зикр этилган қонунлар ҳам мана шу мақсадга ҳисса қўшиши шак-шубҳасиздир.

**Қ. ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

# ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

***Жамият равнақида иқтисодий омиллар билан бир қаторда маънавий-маърифий соҳани ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Шу маънода, мамлакатимизда мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, тафаккури кенг, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар кўлами кенгайиб бораётгани қувонарлидир.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида маънавиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, бу теран ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий жиҳатлари чуқур таҳлил этилган. Истиқлол йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни замон талаблари асосида бойитиш бўйича амалга оширилган улкан ишлар, бу йўлда олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Термиз маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўтган давра суҳбатида шулар хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон Миллий университети профессори А. Расулов, "Ўзбекмузей" жамғармаси раиси Н. Ҳабибуллаев ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг мазкур асари бой тарихий меросимиз ва миллий қадриятларимизни эъзозлаш туйғусини кучайтиришга, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида юксак маънавий фазилатларни камол топтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш энг устувор вазифалардандир, — дейди Маънавият тарғибот маркази Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари Муҳаммад Азимов. — Шундан келиб чиқиб, "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари тарғиботини кенг йўлга қўймоқдамиз. Сиёсатшунослар ҳамда маънавият тарғиботчиларидан иборат гуруҳ ташкил этилиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, ташкилот ва корхоналарда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиляпти. Асарда қайд этиб ўтилганидек, халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.**

# ЁШ ИЖОДКОРЛАРГА ЭЪТИБОР

***Пойтахтимизда "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида "Истиқлолнинг ёш ижодкорлари" мавзуидаги ёшлар медиа-форуми бўлиб ўтди.***

Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган мазкур медиа-форум "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси — UNFPAнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Медиа-форумда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, республика «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Б. Шаропов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдуҳоликов, республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида янги жамият қуриш жараёнида ёшлар келажагига, таълим-тарбиясига қаратилаётган ғамхўрлик ўз самарасини бераётганини таъкидладилар.

Юртимизда миллий матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларнинг касб ва ижодий салоҳиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудий нодавлат телерадиостанциялари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказларининг ёш ижодкорлар станцияларида навқирон авлод ҳаётига оид кўплаб кўрсатувлар ва эшиттиришлар тайёрланмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ҳудудий телестанцияларда ёшлар студиялари ташкил этилди. «Эркин фикр» студияси қошида таъсис этилган «Келажак овози» газетаси тобора оммалашиб бораётир.

Медиа-форумда ёшлар студияларининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти якунлари атрофлича таҳлил этилди. Иштирокчилар томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини ёритишда нодавлат телерадиостанцияларининг ўрни, ёшлар студиялари ва ҳудудий телестанцияларнинг ҳамкорлиги истиқболлари муҳокама қилинди, келгусидаги режалар белгиланди.

Форум доирасида нодавлат телерадиостанциялари ўртасида ўтказилган «Мустақиллик – энг улуғ неъмат!» танлови ғолиблари тақдирланди. Биринчи ўринга Сурхондарёнинг «Ишонч — ТВ» телестанцияси сазовор бўлди, иккинчи ўринга «Самарқанд — СТВ» ва «Марғилон — ТВ» телестанциялари, учинчи ўринга Қўқоннинг «Мулоқот — ТВ» станцияси лойиқ топилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

***Мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жорий қилингач, бу соҳада туб бурилишлар юз бера бошлади. Ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ Президентимизнинг бир неча фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, тизимда кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириla бошланди.***

# УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР — АМАЛДА

▼ **Таълим ва ислоҳот**

Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий давоми бўлган, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳа ходимлари фаолияти учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш борасида улкан янгиланишларга асос бўлиб хизмат қилаётир.

Бугунги бекиёс ислоҳотлар Жиззах вилоятида амалга оширилган эзгу ишлар мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Энг чекка ҳудудларимизда қад ростлаётган кўркам мактаблар кексаю ёшни бирдек хушнуд этаяпти. Негаки, бундай муҳташам ўқув масканлари келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Муҳими, умуммиллий дастур туфайли ҳар бир ўқув масканига алоҳида эътибор билан муносабатда бўлинмоқда. Хусусан, мактабларнинг эскилари таъмирланиб, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланаяпти, айрим ҳудудларда эса буткул янги, кўркамликда тенгсиз мактаблар қад ростлаяпти.

Хусусан, ўтган 2007-2008 ўқув йилининг манзилли дастурида 4 та янги мактаб қурилиши, 47 та мактабни капитал реконструкциялаш, 54 тасини капитал ва 2 тасини жорий таъмирлаш каби юмушлар режалаштирилган бўлса, буларнинг бари бугун ниҳоясига етказилди. Бу — 41 минг нафарга яқин ўқувчи деярли янги мактабларга эга бўлди, дегани. Ушбу мақсадлар учун 19.85 миллиард сўм маблағ сарфланди. Худди шундай бунёдкорлик ишлари жорий йилда ҳам давом эттирилиб, вилоятимиз бўйича жами 123 та ўқув масканида бунёдкорлик ишларини олиб бориш кўзда тутилган. Айни пайтда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида қурилиш, таъмирлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Маълумки, таълимдаги ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад мактабларда таълим самарадорлигини юксалтириш, ўқувчилар орасида юқори салоҳият соҳибларини шакллантириш ва давлат таълим стандартлари талаблари ижросини таъминлашдир. Бу мақсадни амалга ошириш борасида Халқ таълими вазирлигининг "Мактаб таълимини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида 56 та умумтаълим мактабида «Етакчи синфлар» ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирига 23 минг АҚШ доллари миқдорида маблағлар ажратилди. Шу кунгача мазкур синфларнинг 36 таси зарур мебеллар билан жиҳозланди. Шунингдек, юқоридаги лойиҳа асосида 43 та мактабда Ахборот-ресурс марказлари ташкил этилганлиги ўқитувчию ўқувчилар учун айни муддао бўлди.

Мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар ўқув масканларимиз жамоаси қўлга киритаётган ютуқларда ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, Бахмал туманидаги 45-мактаб 43 минг, Зомин туманидаги 57-мактаб 37 минг АҚШ доллари миқдоридаги Япония грантини қўлга киритиб, зарурий ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Бундан ташқари, Жиззах шаҳридаги 33-мактабгача таълим муассасаси ва Беруний номидаги ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби инклюзив таълим бўйича 17 минг АҚШ доллари миқдорида Япония грантига сазовор бўлди.

Гапнинг рости, бугун фақат мактаб биноси эмас, таълим сифати, дарсликлар, ҳатто ўқитувчининг маошигача Юртбошимиз алоҳида эътибор қаратаяптилар. Бундай бекиёс ғамхўрлик ва юксак эътибор ўз самарасини бермасдан қолмайди, албатта.

**Исломиддин АНОРБОЕВ, Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.**

# КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

***Марғилон шаҳридаги "Туёна" ўзбек-турк қўшма корхонасида 5 хилдаги гилам тайёрланмоқда.***

▼ **Интилиш**



Корхона маҳсулотларининг сифатли ва харидорлар дидига мос эканлиги истеъмолчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Қўшма корхона жорий йилнинг биринчи ярмида 65 минг квадрат метрлик турли ўлчамдаги гиламларни харидорларга етказиб берди.

— Фаолиятимиз кўнгилдагидай ташкил этилгани, доимий ва барқарор даромад манбаининг яратилгани корхонамизга қўшимча имконият эшикларини очмоқда, — дейди ишчи Гулнора Мукаррамова. — Айни кунларда корхонада янги бино қурилмоқда. Мазкур бинода замонавий компьютерлашган чет эл технологиясига асосланган ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

**СУРАТДА:** Г. Мукаррамова.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

***Истиқлол инсонга ўз қобилиятини юзага чиқариш учун кенг йўллар, имкониятлар очди. Бундан самарали фойдаланиб келаётган юртдошларимиз ҳаётда ажойиб ютуқларга эришмоқдалар.***

# КЎККА БЎЙЛАЁТГАН ЧИНОРЛАР

▼ **Ифтихор**

### Тоғлик ўқитувчи

Бойсун туманидаги Гуматак қишлоғида яшовчи Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси Рамазон Абдуллаев бир-биридан хайрли ишларни амалга ошириб, эл олқишига сазовор бўлаётир.

— 1993 йилга қадар Гуматакда мактаб бўлмаган, болаларимиз қўшни қишлоқдаги мактабга боришарди, — дейди 53-мактаб директори Рамазон Абдуллаев. — Мен ўша мактабда ишлардим. Икки қишлоқ орасидаги масофа 10 километрча келарди. Бу ҳазилакам йўл эмас. Айниқса, ёш болалар учун. Шуни ўйлаб, тез орада ҳашар йўли билан 80 ўринли мактаб биносини қуриб битказдик.

Шундан кейин уни дарслик, ўқув адабиётлари ва бадиий асарлар билан таъминлаш мақсадида бир қатор нашриётлар билан шартнома туздик. Ҳозирда барча дарслик ва ўқув қўлланмалари етарли, мактаб кутубхонасида эса мингга яқин турли бадиий китоблар мавжуд. Шунингдек, республика газета ва журналларининг тахламлари ташкил этилган. Иккита компьютер ўқувчиларнинг ихтиёрида.

Бир неча йиллар илгари мактаб қошида дурадгорлик устахонасини ташкил этгандик. Устахонада ўқувчиларнинг ўзлари меҳнат қилаётгани, озроқ бўлса-да, моддий манфаат кўраётгани бизни қувонтиради. Устахона келтираётган даромаднинг бир қисмидан аълочи ўқувчиларимиз учун махсус стипендиялар ташкил этдик. Шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳозирда ўнга яқин ёшларимиз нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.

Тоғ-тошда боғ барпо этиш осонми? Аммо Рамазон ака бунинг чорасини топган, мактабга тегишли 2 гектар тошлоқ ерда 5 мингдан зиёд ниҳолларни парваришлаб келаяпти. Мақсад — сархил мевалар, устахона учун ёғоч етиштириш, улардан тушадиган даромад ҳисобига мактаб фондини бойитиш, мактабни янада ривожлантириш...

### Рўёбга чиқаётган орзу

Фориш туманида яқин-яқингача етиштириладиган кўп миқдордаги жун хом ашёси ишлаб чиқариш корхоналарига арзон нархларда жўнатилар эди.

Тадбиркор Бозоргул Тўраева уни қайта ишлашга ихтисослашган "Фортекс" хусусий корхонасини ишга тушириб, шу муаммога чек қўйди.

— Болалигимдан буён туманимизда жун хом ашёсининг исроф бўлаётгани ҳамда жуда арзон нарxда сотилаётгани ҳақида ўйлаб келардим, — дейди тадбиркор. — Мустақиллик шарофати билан орзуларим ушалмоқда. Корхона ташкил этилган дастлабки кезларда ойига 2-3 тонна жун қайта ишланган бўлса, ҳозирда иш ҳажми ошиб, ишчилар сони кўпайиб боряпти. Жундан тайёр маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Айниқса, гиламларимизнинг харидори кўп.

Бозоргул опа жорий йилда "Ташаббус" кўрик-танловининг "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича туман ва вилоят босқичларида ғолиб бўлди, республика босқичида совриндор сифатида тақдирланди.

### Юксаклик оддийликдан бошланади

Ўзбекистон Қаҳрамони Сайдали Раҳмонов 1979 йилда Олмалиқдаги «Қўрғошин» конида иш бошлаган. Орадан кўп ўтмай, "Қалмоққир" кон бошқармаси Шарқий кон раҳбарияти унга экскаватор машинистлигини ишониб топширади.

— 2002 йилда менга янги баҳайбат экскаваторни беришди, — дейди Сайдали Раҳмонов. — Шундан буён унинг ёрдамида катта ишларни уддалаб келаяпман. "ЭКГ-15" экскаватори меҳнатимизни енгиллатди, иш унумини оширди. Мен машинамни кўз қорачиғидек асрайман. Ахир мана шу машина орқасидан ютуқларга эришдим, иззат-ҳурмат қозондим.

Баъзида "Оддий иш билан ҳурмат-эътибор қозониш мумкин эмас" деган гап қулоққа чалинади. Бундай фикрлаш яхши эмас. Нега деганда, юксакликлар, муваффақиятлар оддийликдан бошланади...

Ҳар гал кўча ва хиёбонларда қад ростлаб турган азим чинорларга боқиб, Сайдали ака, Бозоргул опа, Рамазон ака, яна бошқа ўнлаб, юзлаб фидойи юртдошларимизнинг сурати ва сийратини улар тимсолида кўргандек бўламиз. Шундай паллада истиқлол шарофати билан униб-ўсаётган бу азим чинорларга кўз тегмасин, дейсиз. Зеро, ана шу фидойи инсонлар туфайли юртимиз кўркам боғу гулзорларга бурканиб, фаровонлик сари юз бурмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

▼ **Модернизация**

***Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси тез орада асосан маҳаллий конлардан қазиб олинаётган кўмир воситасида ишлашга ўтади.***

# Электр станцияси кўмирда ишлайди

Натижада йилига 1,3 миллиард куб метр табиий газ тежалади ва уни четга экспорт қилиш имкони туғилади. Бундан ташқари, электр энергияси ишлаб чиқариш 9-10 миллиард киловаттга кўпаяди.

Айни кунларда кўмир ёнишидан ҳосил бўлган кул ва тошқоллар жамланадиган мажмуа қуриш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу вазифани "Ўзбекгидроэнергоқурилиш" очиқ акциядорлик жамияти ишчилари амалга ошираяптилар. Улар ҳозиргача мажмуа майдонига қарийб 4,5 миллион куб метр тупроқ тўкишди. Йил охиригача эса бу кўрсаткични 7,8 миллион куб метрга етказиб, жами 15 миллиард 638 миллион сўмлик иш бажариш мўлжалланмоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Фахр

# ШОҲСУПАГА ЙЎЛ

## Жондордан бошланган

**Дзюдочи Ришод Собировнинг Пекинда давом этаётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида бронза медалини қўлга киритиши Жондор туманидаги Бўрибоғи қишлоғида чинакамига байрамга айланди.**

Туман ҳокимлиги, жамоатчилик вакиллари, қишлоқдошлар Собировлар хонадонида бўлиб, курашчининг ота-онаси, ёр-биродарларини ушбу муваффақият билан кутлашди. Қишлоқ кексалари тилидан шу куни Ҳазратқул полвон номи тушмади. Ҳазратқул полвон Ришоднинг катта бобоси бўлиб, таъриф беришларича, кураги ерга тегмаган экан.

— Чиндан ҳам, онамнинг оталари, яъни бобом зўр полвон ўтган, — дейди Ришоднинг отаси Рашид Собиров. — Полвонлик наслимизда бор. Тўртала ўғлим ҳам кураш тушади. Шундан бир нима чиқади-ёв, деб Ришодни Олотдаги 7-Олимпия спорт мактаб-интернатига ўқишга бериб адашмаган эканман. Ўғлим ғалаба қозонган заҳоти қўнғироқ қилиб, ҳаяжон билан «Ота, ниятимга етдим» деди. Бобом Ҳазратқул полвоннинг руҳлари шод бўлди, деб ўзим ҳам ҳаяжондаман...

— Ришод 1998 йилдан бошлаб мактаб-интернатимизда дзюдо сирларини ўрганган, — дейди ушбу ўқув маскани директори, таниқли мураббий Рустам Тўраев. — Шу ерда у мураббий Дилшод Тўраев қўлида сабоқ олган. Бизда ўқиб юрган кезларида тўрт марта республика чемпионлигига эришган. Биласизми, полвонлик қонида бор боланинг кўзи чақнаб туради, юрагида ўт бўлади. Бундай ёш курашчи мураббий эътиборидан четда қолмайди. Спортчининг ўзида ҳам интилиш бўлмоғи керак. Мураббий унинг юрагига албатта йўл топмоғи лозим.

Қирқ уч йилдан буён шу соҳада меҳнат қилаётган Рустам аканинг мулоҳазалари ўринли. Зеро, ғалабалар ўз-ўзидан келмайди. Дейлик, Олот Олимпия спорт мактаб-интернати жамоаси йиғинларни... чўлда ўтказади. Ёш курашчилар қирқ кун давомида жазирама иссиқда қумда машғулотлар ўтказишади, тобланишади, иродаларини мустаҳкамлашади. Бўлғуси ютуқларга шу зайлда замин қўйилади.

**Ришод СОБИРОВ 1986 йил 11 сентябрь куни Бухоро вилоятининг Жондор туманида туғилган. Ўн бир ёшидан бошлаб дзюдо билан шуғулланади. Дзюдо бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ғолиби, катталар ўртасида эса кумуш медаль совриндори бўлган. Энди унинг совринлари ҳисобига Олимпиада ўйинлари бронза медали қўшилди.**

Ришоднинг устоз масаласида ҳам омади бор экан. Бухоро давлат университетида таҳсил олаётганида ҳам, Бухоро шаҳридаги 2-Олимпия захиралари спорт мактабида ҳам, терма жамоада ҳам бағри кенг, шогирдининг кўнглига йўл топа оладиган устозларга дуч келди. Фурқат Солиев, Борис Григорьев қўлида маҳоратини оширди. У татамида ўзининг мураббийлари меҳнати туфайли Олимпиаданинг фахрий шоҳсупасига кўтарилди. Жондордан чиққан полвоннинг ютуғи шу жиҳатлари билан қимматлидир.



Дарвоқе, Ришод исми... ғалати туюлиши мумкин. Бухорода бу номни учратиш қийин. Масалага отаси ойдинлик киритди.

— Исмимга уйқаш бўлсин, деган ниятда бу номни ўзим ўйлаб топганман, — дейди Рашид ака.

Дзюдочимизнинг оламшумул зафаридан сўнг юртимизда Ришодга ҳавас қилиб, янги туғилган ўғлонларга унинг исмини қўйиш ҳоллари кўпайса, ажаб эмас.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН ЎЗБЕК СПОРТИНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кеча ўзбекистонлик спортчилар янада кўпроқ медалларни қўлга киритиши мумкин эди. Аммо эркин кураш беллашувларида қатнашган Заурбек Сохиев (84 кг.), Қурбон Қурбонов (96 кг.) ҳамда байдарка ва каноэда эшкак эшиш (500 метр) баҳсларида иштирок этган Вадим Меньковга омад кулмади.

Заурбек Сохиев биринчи олишувда қозоғистонлик Геннадий Лалиев устидан ғалаба қозонса-да, иккинчи учрашувда россиялик Георгий Кетоевга имкониятни бой берди. Қурбон Қурбонов дастлабки икки учрашувда канадалик Давид Зилберман ва венгриялик Сандо Гергели Киссларни мағлуб этишга муваффақ бўлди-ю, учинчи беллашувда Озарбойжон полвони Кетак Газюмовга ютқазиб қўйди.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича иштирок этган Вадим Меньков 500 метрга бўлган ярим финал мусобақасида маррага олтинчи бўлиб етиб келди.

Шунингдек, 21 август куни спортчиларимиз енгил атлетика баҳсларида ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилдилар. Жумладан, баландликка сакраш бўйича Светлана Радзивил 1 метру 89 сантиметр натижа билан 18-ўринни эгаллади. Надия Дўсанова эса 1 метру 85 сантиметр кўрсаткич билан 28-ўриндан жой олди. Енгил атлетика баҳсларида қатнашган Виталий Смирнов, Павел Андреев (ядро улоқтириш), Бобур Шокиржонов (найза улоқтириш) кутилган натижаларга эриша олмадилар.



Айни пайтда ўзбекистонлик таэквондочилар — Евгения Каримова ва Акмал Эргашев, каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпиони Вадим Меньков (1000 метр) юқори ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

# СПОРТНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

**Айни кунларда бутун дунё Олимпиада нафаси билан яшамоқда, десак, муболаға бўлмайди. Янада баландроқ, янада кучлироқ ва янада тезроқ бўлишга даъват этувчи мазкур спорт мусобақаси ҳаракатлар, интилишлар, рекордлар ва антиқа воқеликлари билан миллиардлаб инсонларнинг эътиборини Хитой пойтахти Пекинга қаратган. «Ягона дунё — ягона мақсад» шиори остида майдонга тушаётган спортчиларнинг барчаси ҳар тўрт йилда ўтказиладиган Олимпиада ғолиблигига чанқоқ, баҳслар эса қизғин ва адолатли курашларга бой кечаётир. Пекин Олимпиадаси нафақат муросасиз беллашувларга, балки кутилмаган антиқа воқеликларга ҳам бой бўлмоқда. Қуйида шу каби ғаройиб ҳанголмаларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.**





## Башоратчилар баҳси

«Пекин — 2008» Олимпиада ўйинларида умумжамоа ҳисобида қайси мамлакат спортчиларининг ғалаба қозониши букмекерлик (таҳлил-башорат) идоралари томонидан турлича баҳоланмоқда.

Масалан, «Bet365» букмекерлари Хитой делегациясининг имкониятларини юқори баҳолаётир. Уларнинг фикрича, хитойликларнинг муваффақиятга эришиши 1,88 га тенг. Иккинчи ўринни эса АҚШ спортчилари банд этиши кутилмоқда. Кейинги ўрин «Афина — 2004» да бўлгани каби, россиялик спорт усталарига насиб этармиш.

«BetFair» букмекерлик идораси вакиллари эса хитойликлар АҚШдан кейинги ўринни эгаллашларини башорат қилишаётган эди. Ҳозирча уларнинг бу башорати оқланаётгани йўқ. Қизиғи, айнан мазкур идора ходимлари «Россия терма жамоаси бу галги Олимпиада баҳсларида катта қийинчиликлар эвазига кучли учликдан жой олади», деган мулоҳазани билдиришган.

## 314 мингта янги оила

**08.08.08 санасида (яъни 2008 йилнинг саккизинчи ойи бўлмиш августнинг саккизинчи кунида) Хитойда 314 мингдан ортиқ янги оила қайд қилинибди!**

«Синьхуа» ахборот агентлигининг расмий статистик маълумотларга таяниб хабар беришича, Олимпиаданинг очилиш маросими арафасида Пекинда 15,6 минг жуфтлик никоҳдан ўтган бўлса, шу куни бутун мамлакат бўйлаб 314 мингдан ортиқ никоҳ расман рўйхатга олинган. Бу кўрсаткич оддий кунлар билан муқояса қилинганда, пойтахтда 23 баравар, Хитой бўйича эса қарийб 40 баравар юқори экани яққол кўзга ташланади.

Маълумки, «саккиз» рақами Хитой иероглифларида сиҳат-саломатлик, бахт ва омад маъносини беради. Учта саккиз эса уч карра соғлиқ, уч карра бахт ва уч карра омад, демакдир.

## Ўзимизнинг Оксана

**Пекиндаги Олимпиадада спорт гимнастикасида таяниб сакраш бўйича кумуш медални Германия терма жамоаси таркибида чиқиш қилган 33 ёшар Чусовитина деган спортчи қўлга киритди. Бу фамилия сизга танишми? Ҳа, топдингиз. 1992 йилда Барселонада чемпионлик чўққисига чиққан Оксана Чусовитина ўзимизнинг Ўзбекистондан. Машҳур спортчи яқинда берган интервьюларидан бирида спорт майдонларида чиқишларидан кейин Ўзбекистонга қайтиб, спорт гимнастикаси мактабини очишга аҳд қилганлигини айтди.**

## Ўйиндан ташқари ҳолат

**Олимпиада ўйинлари очилишига қадар спорт мусобақаларида 205 та давлат вакилларининг иштироки кутилаётган эди. Бироқ 8 август куни тушдан сўнг Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) Бруней жамоасини беллашувлардан четлаштирди.**

ХОҚ вакили Эммануэль Моронинг айтишича, бунга Бруней делегацияси рўйхатининг ўз вақтида топширилмагани сабаб бўлган.

— Очиғи, шахсан ўзим брунейлик спортчиларнинг ўйиндан ташқари ҳолатда қолганларидан афсусдаман, — дейди Э. Моро. — Биз ҳатто регламентда қайд этилган муддатдан ортиқроқ вақт мобайнида делегация рўйхатининг тақдим этилишини кутдик. Лекин брунейликлардан ҳеч қандай ариза тушмагач, иштирокчи давлатлар сонини биттага қисқартирдик. Умид қиламизки, бу қарор келгуси Олимпиада баҳслари олдидан бошқаларга сабоқ бўлиб хизмат қилади.

## Вазни халақит қилди

**Буюк Британиялик боксчи, енгил вазн тоифасида жаҳон чемпиони (60 кг.гача) Фрэнки Гэвин вазнини назорат қилолмагани боис «Пекин — 2008» да иштирок этмайдиган бўлди.**



«Афина — 2004» Олимриадаси бронза медали соҳиби, ўтган йили Чикагода ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби Фрэнки Гэвин ўз вазн тоифасида олтин медалга асосий даъвогар сифатида қаралаётганди. Бироқ Макаода олиб борилган тайёргарлик жараёнида нафсини жиловлай олмаган Ф. Гэвин Олимпиада баҳсларини «ойнаи жаҳон» орқали томоша қилишга маҳкум.

— Бунақа бўлишини билганимда, кунига уч марта эмас, балки икки маротаба овқатланардим, — дейди боксчи армон билан.





## Айбдор... об-ҳавоми?

***XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг расмий очилиш маросими чоғида бевосита «Қуш уяси» стадионида бўлган 570 нафар хитойлик ва хорижлик сайёҳ ҳаво ҳароратининг ўта даражада намлиги ҳамда иссиқлиги туфайли тиббий кўмакка эҳтиёж сезди.***

*Бу ҳақда «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатган. Маълум бўлишича, тўрт соат давом этган очилиш маросимини бевосита стадионда туриб кузатаётган томошабинларнинг айримлари намликнинг юқорилиги ва тўрт соатни офтоб тиғи остида ўтказганлари боис ўзларида кучли ҳолсизланиш ва беҳушлик аломатларини сезишган. Тиббиёт ходимларига мурожаат қилган 570 нафар томошабиннинг 20 нафари дарҳол шифохоналарга ётқизилган.*

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**



# Юлдузли онлар муҳрланган стадион

***Японияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати финали "Йокогама" стадионда бўлиб ўтганди. Яхши биласиз, ўшанда Бразилия терма жамоаси Рональдонинг икки голи эвазига (67, 79-дақиқалар) Германия терма жамоаси устидан ғалаба қозониб, бешинчи бор «жаҳон чемпиони» деган номга сазовор бўлганди.***

"Йокогама" стадиони кунчиқар юртдаги энг катта спорт майдони ҳисобланади. У ўз бағрига 72 минг 327 кишини сиғдира олади. Стадионда 350 та турли катталикдаги хона мавжуд. Майдон ҳудудидаги 528 та овоз узатгич, 824 та ёритгич, 7 секундда 100 метрга ҳаракатланувчи камера нафақат шу ерда ўтирганларга, балки «ойнаи жаҳон» орқали ўйинни томоша қилаётганларга ҳам қулайлик яратиш имконини беради. Албатта, ҳайҳотдай иншоотни сақлаб туриш осон эмас. Шунинг учун ҳам 2002 йили жаҳон чемпионати якунига етгач, Япониянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи машҳур "Ниссан" корпорацияси "Йокогама" стадиони номини бундан кейин "Ниссан" деб юритилиши эвазига 2010 йилгача ҳомийлик шартномасини тузди.

Бугун мазкур стадионга кўплаб сайёҳлар ташриф буюришади. Меҳмонларга дастлаб эсдалик сифатида стадиондаги чимдан намуна ҳадя қилинади. Шундан сўнг сиз Бразилия терма жамоаси аъзоларининг жаҳон чемпионати финали олдидан кийиниб, тайёрланган хонасига кирасиз. Бу ерда нафақат Бразилия, балки жаҳон футболи тарихида муносиб ўринга эга бўлган Кафу, Роберто Карлос, Роналдьо, Роналдьино, Кака, Жунино, Дида, Клеберсон, хуллас, машҳур юлдузларнинг либослари ҳамда финалдан олдинги тилак ва имзоларини кўришингиз мумкин. Стадион маъмуриятининг айтишича, Бразилия терма жамоаси аъзолари финалдан бир кун аввал шу ерда тўпланишган, маслаҳатлашишган ва пешлавҳага турли ҳисоб-китобларни ёзишган. Ана шу ёзувлар ҳам эсдалик сифатида олиб қўйилган ва айни шу хонада уни меҳмонлар кўриши мумкин.

"Ниссан" стадионидаги махсус меҳмонлар учун ажратилган ўриндиқларда ҳам қизиқ бир ҳолатни кўришингиз мумкин. Гап шундаки, маъмурият 2002 йил 30 июнь куни финал оқшомини шу ердан туриб томоша қилган давлат раҳбарлари ва бошқа машҳур кишилар ўтирган ўриндиқларга уларнинг номларини ёзиб қўйишган. Ана шу ўриндиқларга қараб жаҳон чемпионати финалига кимлар келганини ҳам билиб олишингиз мумкин. Масалан, Япония Императори Акихито ва унинг оиласи, машҳур футболчилар Пеле ва Марадона, Япониянинг собиқ Бош вазири Коидзуми ҳамда Германиянинг собиқ канцлери Шрёдер ва бошқалар Бразилиянинг навбатдаги зафарига шу ерда гувоҳ бўлишган. Албатта, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Стадион музейида ФИФА президенти ва футбол юлдузларининг дастхатлари, Германия терма жамоаси собиқ дарвозабони Оливер Каннинг қўл изи, Бразилия терма жамоаси сардори Кафунинг оёқ изи намуналари бор. Шунингдек, мазкур стадионда ўтказилган барча ўйинлар ва уларда киритилган голлар тасвири ҳамда гол муаллифининг исмлари ҳам стадион музейидан ўрин олган. 2002 йил 30 июндаги финал ўйинига кириш учун футбол ишқибозлари ҳар бир чиптага 87 минг япон иенаси (тахминан 870 АҚШ долларидан кўпроқ) сарф қилишган. Бу 1998 йили Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати финали чипта нархи билан деярли тенг. Шундай бўлса-да, финал ўйинига чипта ололмай, стадион ташқарисида армонда қолганлар ҳам кўп бўлган. Бугун ана шундай армонда қолган ва умуман, футболга ишқибозлик қилган барчага стадион маъмурияти яхши бир эсдалик таклиф қилади. Бу эсдалик 2002 йил финалидаги стадион чимидан намуна бўлиб, унинг кичик бир бўлагини шу стадион дўконидан харид қилишингиз мумкин. Нархи 20 АҚШ долларига тенг. Албатта, бу ҳақиқий ишқибоз учун арзигулик эсдалик.

**Бугун мамлакатимизда ҳам футболга жуда катта эътибор қаратиляпти. МҲСК ва "Пахтакор" стадионлари жаҳон андозалари даражасида таъмирдан чиқарилди. Коммуникация қулайликларига кўра, Бухоро, Қарши шаҳарларидаги стадионлар ҳам улардан қолишмайди. Умид қиламизки, мана шундай ажойиб стадионларимиз келажакда янада кўпаяди. Ўзбекистон ҳам келгусида барча ҳавас қиладиган футбол мамлакатига айланади. Майдонларимизда чиниққан футболчиларимиз эса жаҳон чемпионатидек нуфузли мусобақада юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишади. Бунга ҳеч шубҳа йўқ.**

**Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
Токио-Йокогама.

**«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 26 август, сешанба куни чиқади.**

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6 7